



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2013 йил 15 НОЯБРЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 224 (12.535)

Баҳоси эркин нарҳда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING 2014 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИ ТАСДИҚЛАДИЛАР

14 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг
навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқдилар. Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – молия вазири Р.Азимова ҳамда Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раисининг ўринбосари С.Отамуродов маъруза қилдилар.

Шу нарса таъкидландики, мамлакатимизнинг 2014 йилги Давлат бюджети лойиҳаси 2013 йил январь ойида ўтказилган Ҳукумат мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоҳ Каримов томонидан белгилаб берилган мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури ҳамда жорий йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналарининг прогноз баҳоси асосида ишлаб чиқилган. Бюджет лойиҳаси иқтисодиётнинг барқарор юқори суръатларда ўсишини, иқтисодий барқарорлигини, экспорт ўсишининг мувозанатлаштирилган кўрсаткичларини, ташқи савдо ва тўлов балансининг ижобий сальдосини сақлаб қолишга, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган. Айни бир вақтнинг ўзига 2014 йилда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш миқдосларини жадаллаштириш ва кенгайтириш ҳамда йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфраструктурасини жадал ривожлантириш дастурларини фаол амалга ошириш давом эттирилади.

2014 йилда ялпи ички маҳсулот 108,1 фоизга, саноат маҳсулоти 108,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш 106 фоизга ва капитал қўйилмалар 109,5 фоизга ўсиши назарда тутилмоқда. Давлат бюджети лойиҳасида юридик шахсларнинг фойдасидан олинган солиқнинг базавий ставкасини 9 фоиздан 8 фоизга камайтириш назарда тутилмоқда, бу эса 132 миллиард сўмни корхоналар иштирокида қолдириш имконини беради. Жисмоний шахслар даромадларидан олинган солиқ бўйича даромадларга солиқ солишининг энг кам ставкасини 8 фоиздан 7,5 фоизга камайтириш назарда тутилмоқда.

Мамлакатимизнинг келгуси йилдаги асосий молиявий ҳужжати аниқ ижтимоий йўналишга эга. Унда ижтимоий соҳа, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият соҳаларини янада ривожлантиришга, умуман, меҳнат ҳақини жадал оширишга, манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлашга катта эътибор қаратилган. Чунинчи, 2014 йилда таълим соҳасига ажратиладиган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 7,5 фоизини, соғлиқни сақлашга ажратиладиган харажатлар эса ЯИМнинг 3,1 фоизини ташкил этади, бу эса барқарор ва соғлом авлодни вояга етказиш, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этиш бўйича қабул қилинган дастурларда назарда тутилган тадбирларни тўлиқ ҳажмда молиялаштириш имконини беради. Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун сарфланган харажатлар 2013 йилдаги 59,3 фоиздан 2014 йилда 59,6 фоизга кўпайди.

Ҳуқуқларни ижтимоий таъминлашга ажратиладиган харажатларни ошириш кўзда тутилмоқда. Ижтимоий нафақалар тўлаш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериш, шунингдек, компенсация тўловларига сарфланган харажатлар ЯИМга нисбатан 1,4 фоиз миқдорда назарда тутилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2013 йил 14 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлиси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлисини шу йил 12-13 декабрда Тошкент шаҳрида чақирди тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига аҳоли турмуш даражасини янада ошириш ва унинг ижтимоий муҳофаза қилинишни қўлайлаштириш, иқтисодиётнинг юқори ва барқарор суръатлар билан ўсишини таъминлашни назарда тутилган Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги, шунингдек, 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисидаги масалаларни кiritиш режалаштирилмоқда.

Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини изчил ислоҳ қилишга ҳамда либераллаштиришга қаратилган бир қатор Ўзбекистон Республикаси қонунлари киритилмоқда. Бутун бюджет жараёнини янада мунозамлаштириш ва кодифи-

кациялашни, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг самарадорлигини оширишни, васийлик ва ҳомийликка муҳтож шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришнинг назарда тутилган «Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги, «Экологик назорат тўғрисида»ги, «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор қонунлар шулар жумласидандир. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни, шунингдек, бошқа бир қатор қонунларни кўриб чиқиш назарда тутилмоқда.

Шу билан бир қаторда навбатдаги ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг вазолатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинади.

Олий Мажлис Сенати қўмиталарининг ва Девонининг ўн учинчи ялпи мажлисини тайёрлаш ҳамда ўтказиш билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштириш учун Кенгаш томонидан тегишли ишчи гуруҳ тuzилиди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ



Аъло Абдуллаев (ЎзА) олган сурат

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА

Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга.
Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.
Мактаб ишлари давлат назоратидадир.
(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 41-модда)

Мамлакатимизда Президентини Ислоҳ Каримовнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ ёшларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан фойдаланиш, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантириш учун кенг шарт-шароит яратилмоқда.

Буни мазкур академик лицей мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўз фаолиятини 1999 йилда бошлаган ушбу таълим масканида аниқ фанлар йўналиши бўйича 881 нафар ўқувчи тахсил олади.

Лицейда инглиз тили дarsидан ташқари, математика, физика, география, кимё, биология, иқтисодиёт, тарих, маънавий асослари каби фанлар ҳам инглиз тилида ўқитилмоқда. Ўқувчилар ҳам ушбу фанларни, ҳам хорижий тилни пухта ўрганишмоқда.

Лицейда ўқувчиларнинг билим даражасини аниқлаш мақсадида ҳар 45 кунда оралиқ назорат, семестр охирида якуний назорат ишлари ўтказилиб, таҳлил қилиб борилади. Чет тилини ўзлаштиришга қийналаётган ўғил-қизлар инглиз тили кафедрасида очилган тўғрақларга қатнашиб, ўз билимини оширади.

Замон талаби ва билимга чанқоқ ёшларга муносиб бўлиш

Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги Чилонзор академик лицейининг 11-синфда география дарси. Ўқитувчи дунё мамлакатлари, Ўзбекистоннинг геосиёсий жойлашуви ва жаҳон ҳамжамиятида тугган ўрни ҳақида инглиз тилида сўзламоқда. Ўқувчилар эшитанларини дафтаридан қайд этиб бораётди. Саволлари ва фикрларини инглиз тилида баён этмоқда.

мақсадида лицейнинг инглиз тили ўқитувчилари изланишдан тўхтамайди. Хорижий адабиётлар билан танишиб, ўқув семинарларида иштирок этиб, малакасини ошириб боришга ҳаракат қилаётди. Ёш ўқитувчи Дилрабо Тошева яқинда АКШнинг Медисон шаҳридаги Висконсин университетида бўлиб ўтган Central Eurasian Studies Society конференциясида қатнашиб, мамлакатимиз таълим тизимига амалга оширилаётган изчил ислохотлар, ёшларга оид сиёсатнинг юксак самаралари ҳақида маъруза қилди.

Лицейимиз Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент молия институти, Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент ахборот технологиялари университети, Фанлар академиясининг Математика институти каби

муфозли таълим ва илм масканлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда, – дейди академик лицей директори Дилмурод Расулов. – Бунинг самарасида ўқувчиларимиз аниқ фанлар бўйича чуқур билим олиб, республика фан олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этмоқда. Хусусан, Нозима Ўстамова 2011-2012 ўқув йилида республика фан олимпиадасида «Иқтисодий билим асослари» фани бўйича биринчи, Фаррух Убайдуллаев «Амалий география» фани бўйича иккинчи ўринни эгаллади.

Хорижий тилларни ўрганиш бугунги куннинг муҳим талабидир. Бу борада ёшларимиз учун яратилган кенг шарт-шароитлар уларнинг ҳар томонлама етук, ўз касбининг моҳир устаси бўлиб етишишига хизмат қилмоқда.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Жиззах енгил саноат касб-хунаро коллежида атроф-муҳит муҳофазасига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 55-моддасида «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлиқдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир» деб белгиланган ҳуқуқий асоснинг мазмун-моҳияти ва унинг ҳаётимиздаги аҳамияти атрофлича муҳокама қилинди.

• Андижон вилоятининг Жалакудук туманида 2013-2014 ўқув йилида умумтаълим мактаблари битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига жалб этиш, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган амалий семинар бўлиб ўтди. Тадбир доирасида тумандаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари томонидан қўлда тайёрланган буюмлар кўргазмаси ташкил этилди.

• Жиззах вилоятининг Фориш туманидаги кўй жунини қайта ишлашга ихтисослашган «FOP-TEX» хусусий корхонаси ўтган даврда ишлаб чиқариш қувватини уч баробар оширишга эришди. Ўн йил аввал иш бошлаган корхонада айни пайтда 8 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Давлатимиз томонидан яратиб берилаётган имкониятлардан самарали фойдаланаётган корхонада ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида янги лойиҳа амалга оширилди. «Микрокредитбанк»нинг 60 миллион сўм кредит маблағи кўмағида «WAVE OF OCEAN» тикувчилик ва тўқувчилик корхонаси ишга туширилди. Натижада қишлоқ хотин-қизларидан 16 нафари иш билан таъминланди.

ЖАҲОНДА

• Финляндиянинг Каухава шаҳри шимолида учувчилар учун ўтказилаётган ўқув-машқ жараёнида икки самолёт тўқнашиб кетди. Воқеа юз беришдан бир неча соғина аввал самолётларни бошқараётган ҳар икки мутахассис катапюльта ёрдамида хавф жойидан қочишга улгурган. Аммо улардан бири барибир жиддий жароҳат олиб, охир-оқибат ҳаётдан кўз юмган. Иккинчи учувчи эса шифохонага ётқизилган.

• Шу кунларда Хиндистонда мезбон давлат вакили Вишванатан Ананд ҳамда норвегиялик Магнус Карлсен ўртасида шахмат бўйича навбатдаги жаҳон чемпионлиги учун баҳс бўлиб ўтмоқда. Дастлабки уч партиядо томонлар дурангга имзо чеккан эди. Тўртинчи турда Ананд оқ донларда ўйнади, аммо 64-юришдан сўнг рақиблар яна муроса кўчдасини танлашди. Умумий ҳисоб – 2:2.


• Экспертларнинг фикрича, ёшлар ўртасида ишсизлик даражасининг юқорилиги айни пайтда Европадаги энг ўткир ижтимоий муаммолардан бири бўлиб турибди. «Евростат» маълумотларига кўра, сентябрь ойи якуни бўйича Европа Иттифоқида аъзо давлатларда меҳнатга лаёқатли аҳолининг 26,8 миллион нафари ишсиз сифатида рўйхатга олинган. Шуларнинг 23,5 фоизи 25 ёшгача бўлганлардир. Кўрсаткичлар ҳамма жойда ҳар хил. Масалан, Грецияда 57,3, Испанияда 56,5, Португалияда 36,9, Францияда 26,1 фоизи ташкил қилса, Германияда 7,7 фоиз атрофида.

ШАҲРИМИЗ ЯНАДА ОБОД ВА ГЎЗАЛ БЎЛСИН!

16-17 ноябрь кунлари ҳашар ўтказилади



Қадри ҳашаҳарлар!
Мана эшигимизни қоқиб қиш мавсуми ҳам кириб келмоқда. Вақт ганимат. Шундай экан айни шу дамларда дарахтлардан тўкилган барглари тозалаш ва атроф-муҳит озодлигига эътибор беришимиз муҳим аҳамиятга эга. Шунинг билан таъкидлаш лозимки, ҳазонрезгилар ёқилишига асло йўл қўймаслигимиз керак.



Шаҳар фаоллари, кенг жамоатчилик тақлифлари асосида жорий йилнинг 16-17 ноябрь кунлари шаҳримизда ҳашар ўтказилади. Унда барчамиз фаол иштирок этайлик.

Ушбу хайрли ишда маҳалла аҳли, корхона ва ташкилот ходимлари, олий, ўрта махсус ўқув юрти талабалари, ёшлар кенг жалб этилиши азалий қадриятимизга бўлган юксак ҳурмат ва эътибор белгисидир.

Азиз ҳамшаҳарлар!

Азим шаҳримизни янада обод ва озода қилиш мақсадида ҳар биримиз ҳудудимизнинг санитар ҳолатини янада яхшилашга, ҳазонрезгилдан тозалашга ўз ҳиссамизни қўшайлик!

Халқимизда «Ҳашар – элга ярашар» деган ажойиб нақл бор. Бу хайрли ва эзгу ишларга оиламиз, фарзандларимиз билан биргаликда бош қўшсак, шаҳримиз янада обод ва гўзал бўлади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги

ТЕЛЕДАСТУРЛАР

11.50 «Время обедать»
12.25 «Доброе утро, рыцарь!»
13.00 Другие новости
13.30 Понять. Простить
14.15, 17.15 «Истина где-то рядом»
14.30 «Самый лучший муж»
15.20 «В наше время»
16.10 «Наедине со всеми»
17.00 Вечерние новости
18.00, 03.00 «Давай поженимся»
19.00 «Пусть говорят»
20.00 «Время»
20.30 Сергей «Шупер»
21.25 К юбилею актера. «Алексей Саватлов. «Я не торгуюсь с судьбой»
22.20 «Вечерний Ургант»
22.50 Ночные новости
23.00 «Политика»
23.55 Вид. фильм «Белая ночь, белая жева»
01.40, 02.05 Вид. фильм «Тайна записной книжки»

Россия

3.00 «Утро России»

ЧОРШАНБА, 20

13.30 Понять. Простить
14.15, 17.45 «Истина где-то рядом»
14.30 «Самый лучший муж»
15.20 «В наше время»
16.10 «Наедине со всеми»
17.00 Вечерние новости
18.00, 03.00 «Давай поженимся»
19.00 «Пусть говорят»
20.00 «Время»
20.30 Сериал «Шуга»
21.25 «Ден, когда убили Кеннеди»
22.25 «Вечерний Ургант»
22.50 Ночные новости
23.00 На ночь глядя
23.50 Худ. фильм «Шинельный ветер»
01.30, 02.05 Худ. фильм «Человек с аккордеоном»

Россия

3.00 «Утро России»
7.00 «1000 мелочей»
7.45 «О самом главном»
8.30 «Кулигин и партнеры»
9.00 «Судья»
9.30 Местное время. Вести-Москва

ПАЙШАНБА, 21

15.40 «Говорим и показываем»
16.30 Обзор
17.00 Сегодня
17.30 Т/с «Шеф-2»
19.25 Т/с «Пятницкий. Глава третья»
21.15 «Сегодня. Итоги»
21.35 Т/с «Игра»
23.35 «Дачный ответ»
0.35 дикий мир
1.05 Т/с «Формат А4»
3.00 Т/с «Час Волкова»

(Давоим 4-бетда)

